

## ЁШЛАРНИ КИТОБХОНЛИККА ЖАЛБ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР



**МИРЗАХМЕДОВ Хуршид Абдирашидович,**  
Наманган давлат университети таянч докторанти

**Аннотация:** Ёшларни китобхонликка чорлашда босма нашрларнинг онлайн (on-line) версиясидан фойдаланиш ижтимоий тармоқлардаги виртуал китобхонлик жараёнида инновацион ёндашувдир. Ёшларнинг ахборот-ресурс марказларидаги манбалардан янада самарали истифода қилишлари учун адабиётларнинг анъанавий вариантлари билан бирга электрон вариантлари ҳам тавсия этиш китобхонлик эҳтиёжини қондиришнинг ишончли шакллари билан биридир.

**Калит сўзлар:** мутолаа, китобхонлик маърифати, босма ва электрон ахборот манбалари, ижтимоий тармоқлар, таълим, ахборот ресурслари.

**MIRZAKHMEDOV Xurshid Abdirashidovich,**  
PhD student at Namangan State University

### INNOVATIVE APPROACHES IN ATTRACTING YOUNG PEOPLE TO READING

**Abstract:** Using an online version of print media to encourage young people to read is an innovative approach to the process of virtual reading on social media. Recommendation of the electronic version along with traditional versions of literature for young people to use resources at the information and resource centers is one of the most reliable forms of readers satisfaction.

**Key words:** reading, reading enlightenment, print and electronic information sources, social networks, education, information resources.

Китобхонлик шахсни маънавий баркамолликка кўтариши билан ижтимоий қимматга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон қарори [2] халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, уларни жойларга, таълим муассасаларига ўз вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан таржималар қилиб, фарзандларимизда болаликдан китобга меҳрни шакллантириш, қисқаси, мутолаа маданиятини юксалтириш борасида олдинга ташланган муҳим қадам бўлди.

Маълумки, ёшлар ўз табиатига кўра, қизиқувчан тоифадир. Улар мутолаа давомида китобдаги воқеаларга, қаҳрамонларнинг саргузаштларига берилиб кетади, уларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилади, ижобий фазилатларидан ибрат олади ва, шу аснода, ижтимоийлашиб, шахс бўлиб шакллана бошлайди.

Ҳозирги вақтда таълим олиш ва китобхонлик турли манба ва турли воситалар орқали амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, ёшлар мутолаасининг шакллари ҳам кенгрок имкониятлар яратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Юқорида тилга олиган қарорда “мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай махсулотларни арзон нархларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича тақлифлар тайёрлаш” [2] алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Бу ёшлар мутолаасида уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, техник воситаларнинг ўрнига урғу беришдир.

Эндиликда ёшлар китобхонлиги кўп жиҳатдан ахборотлашув омилига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бугун жаҳондаги кўпгина босма нашрларнинг адади жиддий қисқариши, унинг ўрнини онлайн версия<sup>1</sup> (on-line) эгаллаб, электрон

<sup>1</sup> Онлайн-версия (инглизча on-line – «фаол», «алоқада», «тармоқда», «эфирда») – Матнли, таъсвирли, овозли, видео шаклидаги маълумотларнинг интернетга жойлаштирилган кўриниши.

кутубхоналар тармоғи расм бўлди. Масалан: Интернетда “электрон-кутубхона” ёки “онлайн-кутубхона” сайтлари виртуал тарзда китоб ўқиш имкониятини яратмоқда. Бугунги кунда дунё тилларида ўқиш учун ёзилган манбалар инсониятни эҳтиёжини қондириш мақсадида электронлаштирилмоқда. Эътироф этиш лозимки, жаҳондаги энг бой кутубхоналарда сақланаётган ноёб босма манбаларнинг муайян қисми электрон ҳолатга келтирилди. Бу жараёнлар мамлакатимиздаги кутубхоналарда ҳам олиб боилаётганлиги ижобий ҳодисадир.

Ҳозирги ахборотлашган замонда кишилар дунёнинг исталган йирик ахборот-ресурс марказларидаги китобни интернет орқали онлайн-версияда мутолаа қилиш имконига эга бўлмоқда.

Агар яқин тарихимизга назар солиб, олий ўқув юртлари талабаларининг таълим манбаларига эътибор берсак, дарсликлар етишмаслиги (айниқса миллий тилларда) сабабли кўпинча профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнлари (улар ҳам қўлёзмада ёки нари борса машинкада кўчирилган нусха бўлган) асосида таҳсил олишган. Бу ҳол ўтган асрнинг 70–80- йилларигача давом этган. Кейинчалик дарсликлар таъминоти нисбатан яхшиланиши натижасида китоблардан фойдаланиш кенгайди. Шу даврда манбалардан ксероноусхалар олиш ва уларни таълим манбаси сифатида ишлатиш ҳам урф бўлди. Янги минг йиллик атрофида электрон манбаларни диск (дискет)ларга кўчириб, кейинчалик эса флешка қурилмаларига ўтказиб фойдаланиш кенг тарқалди. Ҳозирги даврга келиб энг қулай таълим манбаси фан соҳалари бўйича электрон базалар, Интернет ва турли тармоқлар (жумладан, итимоий тамоқлар ҳам) бўлиб қолди.

Биз болаларнинг, ёшларнинг техник воситаларга қизиқишларини китоб ўқиш сари йўналтиришда фойдаланиш тарафдоримиз. Аслини олганда, бизнингча, анъанавий (қоғоз) китоб билан электрон ёки аудио китоб ўртасига хитой деворини қўймаслик керак. Чунки, буларнинг ҳаммаси ҳам китоб. Ахир тарихда тошга, терига, тахтага, лойга ва ҳоказо нарсаларга ёзилган китоблар бўлган-ку. Муҳими, улардаги маъно-мазмун. Шундай экан,

бирор материални ўрганиш, мавзунини ўзлаштириш учун ёки бадиий адабиётга бўлган эҳтиёжни қондириш учун, қандай воситадан фойдаланиб бўлмасин, мутолаа қилиш керак. Бунда асосийси восита эмас, натижадир.

Ёшларни онлайн-китобхонликка одатлантиришда уларнинг техник воситаларга, турли қурилмаларга ҳали гўдаклик чоғиданоқ қизиқувчанлигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Уларни биринчи навбатда, аста-секин, ёшига муносиб тарзда мутолаанинг техник воситалари билан таништириб бориш, авваллари катталар иштирокида, кейинчалик мустақил равишда турли манбалардан фойдаланишга ўргатиш зарур. Мутолаанинг техник воситалари деганда Интернетдаги маълумотлар базаларидан, турли веб-саҳифа ва веб-порталлардан компьютер (ноутбук, нетбук), мобиль қурилмалар ва бошқа гаджетлар ёрдамида матнларни ўқишга, ахборот ресурсларидан фойдаланишга имкон берадиган воситалар тушунилади.

Мутахассисларнинг фикрича, бола ўзидаги фазилатларни дастлаб оиласидан олар экан, 34 ёшли бола ота-онасидан эртақлар эшитиб “оғзаки” китобхонликка қадам қўяди. Мактабгача таълим ва мактаб таълимининг бошланғич синфларида эртақ китобларга бола жуда “ўч” бўлишини ҳисобга олиб, уларнинг ёшига монанд эртақ ва ҳикояларни ўқиб бериш, уларни эртақлардаги қаҳрамонлар ила эзгуликка рухлантириш муҳим тарбия тадбиридир. Ана шу жараёнга аудио-эртақлар, аудио-китоблар ва аудио-спектаклларни жалб этилса, натижа янада самаралироқ бўлиши аниқ. Бунинг устига 9–10 ёшли ва ундан катта болаларга сеvimли китобларидан ўзининг шахсий кутубхонасини жамлашга рағбатлантира туриб, электрон шаклдаги китобларни ҳам тўплаб бориш ўргатилса, унда ўзига хос зиёлилик хусусиятлари тарбиясига ҳам тамалтоши қўйилган бўлади.

Қувонарлиси, кейинги пайтларда мамлакатимизда юқорида тилга олинган электрон ресурсларни яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Telegram” ижтимоий тармоғига жойлаштирилган аудио-эртақлар<sup>1</sup>, аудио-китоблар<sup>2</sup> ва аудио-театрлар<sup>3</sup> бунинг далилидир.

<sup>1</sup>Қаранг: <https://t.me/bolalikunlarimda/> Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги @aoka\_uz ҳамда Мактабгача таълим вазирилик ҳамкорлигидаги лойиҳа / Лойиҳа муаллифи: Ш. Ш. Мирзиёева.

<sup>2</sup>Қаранг: <https://t.me/mtrkaudiokitoblar/> Ўзбекистон МТРКнинг китобхонлик маданиятини янада ошириш ва адабиёт тарғиботини кучайтиришга қаратилган лойиҳаси.

<sup>3</sup>Қаранг: <https://t.me/audioteatrlar/> Ўзбекистон Республикаси театрларида саҳналаштирилган спектаклларнинг магнит лентасига ёзиб олинган аудио вариантлари

Фан соҳалари бўйича ижтимоий тармоқда (Telegram) онлайн фан каналини ташкил қилиш тажрибаси ҳам ёшларни таълим манбалари билан таъминлаш ва китобхонликка жалб этиш борасида таҳсинга лойиқдир.



Бу борада ёшлар китобхонлигини янада ривожлантириш учун жаҳон ва миллий мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг яхши намуналаридан ижтимоий тармоқ ва Интернет сайтларига жойлаштириш, уларни тарғиб қилиш яхши самара беришига ишонамиз. Эътироф этиш лозимки, бир неча кун вақт талаб этадиган китоб ўрнига унинг аудио ёзуви электрон шаклидан фойдаланиш ёшлар учун қулайдир. Сабаби бу ҳолда бошва нима биландир банд бўлинса ҳам китобни мутолаа қилиш (аниқроғи эшитиш) мумкин. Тўғри, китоб сюжетини эшитиб, билиб олиш билан уни ўқиб ўзлаштириш, таҳлил қилиш орасида катта фарқ бор. Аммо бадий асар билан тезкор ва бирламчи танишиш учун бу усулни қўллаш ҳам фойдадан холи эмас.



Юқори синф мактаб ўқувчилари ва талабалар китобхонлигида ҳам электрон ресурслардан унумли фойдаланиш бугуннинг эҳтиёжи, керак бўлса, талабига айланди. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ёшларимизнинг хорижий тилларни ўрганишга астойдил киришаётгани ва бу йўлда муайян муваффақиятлар қозонаётганининг замирида ҳам глобал таълим манбаларига кириш

ва улардан фойдаланиш имкониятларининг кундан кунга ортиб бораётгани турган бўлса не ажаб.

Биз китобхонлик жараёнларида техник воситалардан, бутунжаҳон ахборот ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш тарафдори бўлиш билан бирга, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлишида, манбаларга мурожаат этишда ота-оналар зиммасида катта масъулият борлиги, улар хушёрликни, огоҳликни ҳеч қачон қўлдан бермасликлари ҳақида мутахассислар фикрини [3] қўллаб-қувватлаймиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, китобхонлик даврий тадбир бўлмай, у шахснинг ижтимоийлашув ва касбийлашув жараёнидаги узлуксиз зарурият ҳисобланади. Таълимнинг барча босқичларида китобхонликни боланинг имконияти ва ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ахборотлашган жамият неъматларидан самарали фойдаланиш орқали олиб бориш замон талабидир. Интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, электрон маълумотлар базалари энди болалар, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг доим мурожаат қиладиган мутолаа манбасига айланиши, бошқача айтганда энди кутубхонани ёшларнинг ахборот олиш қурилмасига жойлаштириш керак.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев даъват этганларидек, “Биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни хорижий давлатлардаги тенгдошларидан кам эмаслигига ишонтириб, тарбияда китоб омилидан фойдаланишнинг яна янги қирраларини топиш устида ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур” [2; 229]. Бизнингча, ахборот технологияларига асосланган манбалар айнан шу “янги қирралардир”.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд, Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 508 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини наиш этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271- сон қарори.
3. Қурбонов Т. Китоб, китобхонлик, кутубхона – маънавиятнинг уч илдири // <http://postda.uz/uzc/news/spirituality/kutubxona> (қўрилган мuddату: 25.09.2019)